

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Вилоят статистика бошқармаси бошлиғи

_____ У.Алимов

« 11 » июнь 2020 йил

Сурхондарё вилоят статистика бошқармаси Ахборот хизмати бош мутахассисининг (Хайинов Бойсари Эргаш ўғли) ЛАВОЗИМИ ЙЎРИҚНОМАСИ

I. Умумий қоидалар

1. Ахборот хизмати бош мутахассиси–бошқарма бошлиғининг матбуот котиби, ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси (кейинги ўринларда - Ахборот хизмати бош мутахассиси) вилоят статистика бошқармаси ахборот хизмати (кейинги ўринларда - Ахборот хизмати) штатлари таркибига киради.

2. Ахборот хизмати бош мутахассиси лавозимига устувор равишда таълимнинг журналистика йўналишидаги мутахассисликлар бўйича олий маълумотга эга бўлган ходим тайинланиши лозим.

3. Ахборот хизмати бош мутахассиси лавозимига ходим вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси хулосасига кўра, вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

4. Ахборот хизмати бош мутахассиси ўз фаолиятини вилоят статистика бошқармаси Ахборот хизмати тўғрисидаги Низом ҳамда тасдиқланган иш режалари асосида ташкиллаштиради ва амалга оширади.

5. Ахборот хизмати бош мутахассисининг ойлик лавозим маоши (ставкаси) Хукумат томонидан тасдиқланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш Ягона тариф сеткасига биноан белгиланади.

II. Ахборот хизмати бош мутахассисининг асосий вазифалари.

6. Ахборот хизмати бош мутахассиси қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг ижроси бўйича давлат статистика органлари томонидан амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб борилишини ташкил этади;

Вилоят статистика бошқармасининг расмий www.surxonstat.uz сайти ҳамда Интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда статистика соҳасига оид янгиликлар, тизим фаолияти билан боғлиқ маълумотларни жойлаштириб борилишини ташкиллаштиради;

турли семинарлар, учрашувлар, матбуот анжуманлари, давра

суҳбатларини ташкиллаштиришда фаол иштирок этади;

оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжуманлари, жойларда маҳаллий журналистлар билан давлат статистика органлари ходимларининг учрашувларини уюштиради;

давлат статистика органлари фаолиятини тарғиб этувчи газета ва журналлар, турли китоб ҳамда қўлланмалар чоп этилишини, теле ва радио дастурлар тайёрланишини йўлга қўяди;

статистик маълумотлар асосида қизиқарли инфографика роликлари, видео материаллар, роликлар, туркум мақолаларни тайёрлатиб, эълон қилинишини таъминлайди;

оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўяди, уларнинг ёзма, электрон ва оғзаки мурожаатларига ўз вақтида ва сифатли жавоб қайтарилишини таъминлайди;

Вилоят статистика бошқармаси билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган, статистик маълумотларни ва тизим фаолиятини тарғиб этишда фаоллик кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари ходимларини рағбатлантириш бўйича вилоят статистика бошқармаси бошлиғига таклифлар киритади;

Вилоят статистика бошқармасида оммавий ахборот воситалари билан ишлаш услубини такомиллаштириш, тарғибот-ташвиқот масалаларига оид Кенгашқарорлари, буйруқлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этади;

Вилоят статистика бошқармаси раҳбариятининг топшириқларига биноан давлат бошқарув идораларида ва бошқа ташкилотларда бўлиб ўтадиган анжуманларда бошқарма номидан масъул вакил сифатида иштирок этади.

III. Ахборот хизмати бош мутахассисининг мажбуриятлари.

7. Ахборот хизмати бош мутахассисига қуйидаги мажбуриятлар юклатилади:

Ахборот хизматининг иш режасини ишлаб чиқади, тасдиқлатиш учун бошқарма бошлиғига тақдим этади, бажарилишини таъминлайди;

Ахборот хизматининг асосий вазифалари ва функционал мажбуриятларини бажариш учун зарур ички идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқилишини таъминлайди;

Ахборот хизмати ходими ижро ва меҳнат интизомига риоя этади;

Вилоят статистика бошқармасида оммавий ахборот воситалари билан ишлаш услубларини такомиллаштириш бўйича таклифларини раҳбариятга киритади;

Вилоят статистика бошқармасида белгиланган ички тартиб қоидаларга сўзсиз риоя этади.

IV. Ахборот хизмати бош мутахассисининг ҳуқуқлари

8. Ўз ваколати доирасига кирган масалаларда Ахборот хизмати фаолиятини тартибга солувчи ички идоравий ҳужжатларни мувофиқлаштириш

бўйича таклифлар киритиш.

9. Ахборот хизмати бош мутахассиси вазифалари ва лавозим мажбуриятларига кирган масалаларда вилоят статистика бошқармаситармоқ бўлимлари, ҳудудий статистика бўлимлари ва бошқа ташкилотлардан тегишли маълумотларни сўраш ва олиш.

10. Қонунчиликда белгиланган тартибда вазифа (топширик)ни ўз вақтида ва сифатли бажарилгани учун, лавозим маошига устама, мукофотлар ва бошқа турдаги тақдирлаш пулларини, меҳнат таътили ҳамда моддий ёрдам олиш.

11. Мазкур йўриқнома билан белгиланган ваколатлар доирасида қарорлар қабул қилиш.

12. Ахборот хизмати ваколатига кирган масалаларда фуқароларни қабул қилиш.

V. Ахборот хизмати бош мутахассисининг жавобгарлиги.

13. Ахборот хизматига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун жавобгар ҳисобланади.

Ахборот хизматига бириктирилган жиҳозлар ва бошқа моддий бойликларни соз ва бут сақлашга, улардан самарали фойдаланишга, ушбу йўриқнома билан белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун жавобгардир.

VI. Яқуний қоидалар

14. Ахборот хизмати бош мутахассиси хизмат сафарида, меҳнат таътилида ёки бетоб бўлганида мазкур йўриқнома талабларининг бажарилиши вақтинча Дастурий-техник таъминот ва маълумотларни сақлаш маркази этакчи муҳандис-дастурчиси зиммасига юклатилади.

Мазкур лавозим йўриқномаси билан танишдим ва уни бажариш мажбуриятини ўз зиммамга оламан:

Хайинов Бойсари Эргаш ўғли
(исми, отасининг исми ва фамилияси)